




JOURNAL OF GEOGRAPHY AND NATURAL RESOURCES

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jgnr>



## NATURE OF TURKESTAN MOUNTAINS AND WAYS TO DEVELOP INTERNATIONAL MOUNTAIN TOURISM

**Sokhiba Kushbakova**

*Master's student*

*Jizzakh State Pedagogical Institute*

*Jizzakh, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Turkestan mountains, nature, river valleys, international mountain tourism, comfortable conditions, recreational resources, tourist route, Supa plateau.

**Abstract:** Extensive study of the nature of the mountains of Turkestan, the scientific and practical basis for the development of international mountain tourism in the region.

**Received:** 01.03.22

**Accepted:** 10.03.22

**Published:** 23.03.22

## ТУРКИСТОН ТОҒЛАРИ ТАБИАТИ ВА УНДА ХАЛҚАРО ТОҒ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Соҳиба Кушбакова**

*Магистратура талабаси*

*Жиззах давлат педагогика институти*

*Жиззах, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Туркистон тоғлари, табиат, дарё водийлари, халқаро тоғ туризми, комфортли шароит, рекреацион ресурслар, туристик маршрут, Супа платоси.

**Аннотация:** Туркистон тоғларининг табиатини кенг қўламда ўрганилган ҳолда, худудда халқаро тоғ туризмини ривожлантиришнинг илмий-амалий асослари ўрганилган.

## ПРИРОДА ГОР ТУРЦИИ И ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ГОРНОГО ТУРИЗМА

**Сохиба Кушбакова**

*Студент магистратуры*

*Джизакский государственный педагогический институт*

*Джизак, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** Туркестанские горы, природа, речные долины, международный горный туризм, комфортные условия, ресурсы, туристический маршрут, плато Супа.

**Аннотация:** Обширное изучение природы гор Туркестана, научная и практическая основа развития международного горного туризма в регионе.

---

### КИРИШ

Туркистон тоғлари аввало Помир-Олой сўнгра, Олой-Ҳисор тоғ тизмасига киритилган бўлиб, тоғ Олой тоғ тизмасининг давоми ҳисобланадиган Мастчоҳ тугунидан ғарбда Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмаларига ажралади. Бу тизма Мастчоҳ давонидан Жиззах шаҳригача меридианал йўналишда 320 км гача чўзилган, баландлиги шарқдан-ғарбга томон пасайиб боради. Шарқий қисми баланд, шунинг учун бу ерларда музликлар мавжуд. Тоғнинг шарқий қисмида баъзи чўккилар 5620 метргача кўтарилган, ўртача баландлиги 4000 метрдан ортиқ, ғарбий қисми пастроқ бўлиб, шимолий ёнбағрида бир қанча тармоқлар ҳосил қилган. Улар бир-биридан дарасимон дарёлар билан ажралган. Бу тармоқлар орасида чўкмалар, қия текисликлар ва чуқур дарё водийлари бор. Туркистон тоғининг Фарғона водийсига яқин ерлари кенг адирлардан иборат. Жанубий ёнбағри қиска, Зарафшон водийси устидан тик кўтарилиб туради.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Тоғнинг ғарбий қисмида бир неча қулай доvon (Шаҳристон, Ғўралаш, Қўштепа, Латтабанд ва Совурбел) лар бор. Булардан энг машҳури Тожикистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, Ўратепадан Зарафшон водийсига, ундан Душанбега борадиган йўл устидаги Шаҳристон (3380 м) доvonидир. Шаҳристон доvони тарихда “Буюк Ипак йўли” нинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган доvonлардан бири ҳисобланади.

Туркистон тоғи Зоминсув дарёсининг бошланадиган қисмида, яъни Ғўралаш доvонида 2 та тармоққа, Шимолий (Молгузар тоғи) ва Жанубий (Чумқортоғ) тоғларига бўлиниб кетади. Бу тоғлар ўртасида гўзал табиати билан машҳур бўлган Сангзор водийси жойлашган.

Туркистон тоғларининг табиати гўзал ва мафтункор бўлганлиги сабабли, халқаро туристик объектларга бой ҳудуд ҳисобланади. Шу боисдан бу ҳудудларда табиатни ҳисобга олган ҳолда туристик объектларни қуриш ва халқаро тоғ туризмни ривожлантириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Тоғларда курорт-туристик объектларни қуришнинг зарурияти республика текислик қисмида экологик ҳолатнинг кескинлашуви, йирик шаҳарларда атроф-муҳитни ифлосланиши билан боғлиқдир. Ёз фаслида текисликларда жазирама иссиқ об-ҳавонинг ҳукм суриши ва шунга мувофиқ дам олиш учун имкониятларининг чегараланганлиги билан янада кескинлашади. Натижада, ҳозирги вақтда аҳолининг дам олиш кунлари тоғларда стихияли равишда кўпайиб бормоқда. Дам олишни тартибсиз характерда бўлиши табиий муҳитга анча зарар келтиради. Шунинг учун рекреацион ресурсларни стихияли ўзлаштиришга қарши, халқаро аҳамиятга эга бўлган ва экологик талабларга жавоб берадиган рекреацион базаларни яратиш зарурдир.

Туркистон тоғларидаги Супа платоси қулай иқлим шароити, жойнинг рельефи ва ноёб комплекс табиий шароити бўйича дунёда мавжуд бўлган кўпгина тоғ-спорт марказларидан қулайроқ ҳисобланади. Фақат бу ерда, халқаро тоғ туризмни ривожлантириш учун бир қанча бунёдкорлик ишларини амалга ошириш лозим.

Туркистон тоғларини рекреацион имкониятларини ўзлаштириш ва тоғ туризми ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш билан бир вақтда, туризмнинг илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳам муҳимдир. Туризмни илмий-назарий баҳолашда, ландшафт рекреацион ресурсларнинг антропоген омилларга барқарорлигини ҳамда ҳудуднинг рекреацион ҳажмини аниқлаш зарур ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, келажакда Туркистонда тоғ туризмни ривожлантириш билан бирга географлар олдида ландшафтларни муҳофаза қилишни янгича вазифаси кўйилади, яъни ландшафтларни туристлар учун муҳофаза қилиш - ландшафтларнинг кўркам, жозибадор ва маҳсулдорлигини сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш асосларини ишлаб чиқиш керак.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида, Туркистон тоғининг Зоминсув ҳавзасида баландлик минтақаларига боғлиқ ҳолда ландшафтларнинг ўзгаришига кўра 4 та табиий комплекслар ажратилди. Ҳар бир ҳудуднинг туристик аҳамиятига кўра табиий комплекслари аниқланди ва унинг туристик имкониятларига баҳо берилди (1-жадвалга қаранг).

**Зоминсув ҳавзаси ландшафтларининг баландлик минтақалари ва  
уларнинг туристик имкониятлари**

<b>№</b>	<b>Баландлик ландшафт минтақалари</b>	<b>Туристтик аҳамиятга эга табиий комплекслар</b>	<b>Туристтик имкониятлар</b>
<b>I</b>	Тоғ олди текислиги ва Зоминсув ёйилмаси (450-850 м)	1. Ёйилманинг юқори қисми 2. Ёйилманинг чека қисми	Зомин шаҳри ва унинг дам олиш жойлари Агро ландшафтлар
<b>II</b>	Тепаликсимон грядали паст тоғли курук-субтропик зона (900-1800 м)	3. Дарёлар водийси, терраса ландшафтлари 4. Дарёчалар оралиғидаги сувайирғичлар	Ёз фаслида қисқа муддатли дам олиш Баҳор фаслида экскурсия уюштириш.
<b>III</b>	Тик ёнбағрли ўртача баланд тоғли ўрмон зонаси (1800-2000, 2600-2800 м)	5. Помоген-неохен чизиқларидан тузилган Қизилмозор комплекси 6. Тўлқинсимон баланд тоғ платоси супа комплекси 7. Ноёб тропик зоналар учун хос бўлган карст ходисали каррлар 8. Чортанги ландшафти	“Қирқ-қиз” тош ҳайкалларига экскурсия Дунё аҳамиятига эга бўлган туризм имкониятлари мавжуд 4 та дарё (Шариллоқ, Қизилсув, Қашқасув ва Қўлсой) қўшилган дарага сайёҳат қилиш
<b>IV</b>	Баланд тоғли сув айирғич субальп зонаси	9. Шаҳристон ва Ғўралаш доvonлари комплекси 10. Катта сув йиғувчи варонкалар комплекси 11. Баҳайбат тик қоялар (“Учрашув”, “Кутиш” ва бошқа номлар билан аталади)	Ёз фаслида машинада қадими денудацион юз-аларига чиқиш мумкин Ёз фаслида қисқа муддатли экскурсиялар “Кутиш” ва “Учрашув” номи билан аталувчи қояларга экскурсия уюштириш мумкин

(Л.Алибеков маълумотлари асосида)

Зоминсув ҳавзаси ландшафтлари баландлик минтақалари табиий комплексларига таъриф берилганда, рельефи, геологик ва геоморфологик компонентлари асос қилиб олинган. Бу табиий комплексларини иқлим, гидрологик ва биологик каби компонентлари тоғ туризмни ривожлантириш учун жуда қулай ҳисобланади. Табиий комплексларнинг ушбу компонентлари тўғрисида қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистондаги тоғлар каби, Туркистон тоғларида ҳам халқаро тоғ туризмни кенг масштабда ривожланиши билан бир қаторда, унга тўсиқ бўлувчи баъзи бир факторлар ҳам мавжуддир. Шу боисдан, тоғларда халқаро тоғ туризмни ривожланишига тўсиқ бўлувчи омилларни шартли равишда 2 га бўлинади. Булар ички ва ташқи омиллар.

Тоғларда дам олиш зоналарини ташкил қилишда тўсиқ бўладиган ички омилларга, баҳор ва ёз фаслларининг бошларида тез-тез такрорланиб турувчи сел тошқинлари, йўл қуриш ва электр энергия билан таъминлаш каби муаммолар киради. Тоғларда қорлар

эриши ва ёмғирлар ёғиши бир вақтга тўғри келган вақтлари катта-катта сел тошқинлари кузатилади. Тоғларнинг рельеф хусусиятлари йўл қурилиши учун жуда ноқулай ҳисобланади. Бу ўз навбатида, тоғларда кенг кўламли йўл қурилиш ишлари олиб борилса, табиатга катта зарар етказилади. Баланд тоғ ҳудудларига электр линияларини ўтказиш эса катта харажатлар талаб қилинади.

Тоғларда дам олиш зоналарини ташкил қилишда тўсиқ бўладиган ташқи омилларга, Ўзбекистондаги кўплаб тоғларнинг хушманзара жойлари, қўшни республикалар билан ўтадиган давлат чегараларига яқин жойлашганлигидир. Шу сабабли ҳам бу ҳудудларда катта-катта дам олиш зоналарини ташкил қилиш давлат стратегиясига тўғри келмайди.

### ХУЛОСА

Тадқиқотлар натижасига кўра дам олиш зоналарини ташкил қилишда анъанавий усул бўлиб қолган катта-катта бинолар қуриш эмас, балки замонавий кўринишдаги чодир (ўтов) лар ташкил қилиш лозим. Дам олиш чодирлари мавсумий ҳолда, тоғларнинг давлат чегараларига яқин жойларда ҳам ташкил қилиш мумкин. Дам олиш чодирлари катта майдон талаб қилмаганлиги сабабли, сел йўлларида узокрокда жойлаштириш имконияти бўлади. Шунингдек, чодирларни электр энергия билан таъминлашда муқобил энергия (қуёш, шамол ва биоэнергия) лардан унумли фойдаланса, электр линияларини ўтказиш учун катта маблағлар талаб қилинмайди.

Тоғларда автомобиль йўллари қуришда қиялик  $12-15^0$  дан ошмаслиги керак. Тоғларда қиялиги юқори бўлган жойларда эса осма сим йўллар барпо этиш лозим. Баъзи бир сўқмоқ йўллар от, эшак, туя каби маҳаллий уловлар орқали босиб ўтилса бўлади. Бундай харакатланишлар орқали тоғ табиатидан тўла баҳра олинади. Шунингдек, текисликдан тоққа тез кўтарилганда учрайдиган тоғ касалликларини ҳам олди олинади. Энг муҳими табиат қўйнида бундай дам олиш атроф-муҳит табиатига салбий таъсир этмайди ва қолаверса, БМТ томонидан ишлаб чиқилган “Экологик дастур” талабларига тўлиқ мос келади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Alibekov L, Alibekova S, Hazarov I, Gudalov M. About some regularities of geosystems degradation in Central Asia. Tatranka Javorina, Slovakia, 2012, Vol 21, № -1, 42-44 p
2. Gudalov M. Foundation of Aydar-Arnasay lakes system and their effects on the environmental landscape. Nature and Science. Volume 17, Number 11 November 25, 2019 USA New York.

3. Gudalov M., Zikirov B. Methods of studying the landscapes around the Aydar-Arnasay lake system. International engineering journal for research & development. Vol – 5, Issue – 7, 2020 India.

4. Gudalov M., Zikirov B., Imamova D. Predicting changes in landscapes around the Aydar-Arnasay lake system. Accerted in the journal The American of Engineering and Technology. Volume – 02, Issue – 10, October 2020.

5. Gudalov M., Gozieva M. Ways to develop modern ecotourism in the Zamin basin. International engineering journal for research & development. Vol – 5, Issue – 7, 2020 India.

6. Sharipov Sh, Shomurodova Sh, Gudalov M. The use of the mountain kars in the tourism sphere in cort and recreation zone of Chimgan-Charvak. Journal of Critical Reviews. Volume 7, Issue 3, 2020 Maleziya Kuala-Lumpur.

7. Лесовский, Б. Ф., Лисиенко, С. В., Иванов, А. В., Муминов, А. Г., Ким, Г. Н., & Огий, О. Г. Состав редакционной коллегии.

8. Ахмедова, Р. М., & Адилов, Ф. А. (2016). Подготовка специалистов в отрасли ремесленного производства в 20-х годах XX века. *Учёный XXI века*, (5-4 (18)), 62-64.

9. Go'dalov, M. R. (2014). Nature of Jizzakh region and its protection.-Т.:“*Science and technology*.”